НОДИР МИРЗО ДЕВОНБЕГИНИНГ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ



doi 10.34920/2181-8207/2024/4-156



Жуманиёз Сангиров,
Тарих институти таянч докторанти

Аннотация: Ўзбек давлатчилиги тарихидаги йирик шахслар ҳақида сўз кетганида, асосан олий ҳукмдорлар, шаҳзодалар, вазирлар, қўшинбошилар – кўпчиликка таниш ва атоқли сиймоларга урғу берилади. Ваҳоланки, унча-мунча кишининг қўлидан келмайдиган хизматларни қилган, эътироф ва ҳурматга лойиқ, бироқ тарихчи олимлар томонидан «юзага чиқарилмаган» арбоблар ҳам кўплаб топилади. Улардан бири аштархонийлар даври ёрқин шахсларидан бири Нодир мирзо девонбегидир.

Мақолада унинг ота-онаси, оиласи, фарзандлари ва таълими ҳақида манбаларда бор маълумотлар илк бор тўлиқ келтирилади.

Нодир мирзо девонбегининг сиёсий фаолияти икки қисмга бўлинган ҳолда кўрсатиб берилади. Биринчисида марказий бошқарувда катта девонбеги мансабини эгаллаган ҳолда Имомқулихон юритган ички ва ташқи сиёсатда тутган ўрни, хусусан, Туроннинг шимолий ва жанубий чегарларининг хавфсизлигини сақлашдаги хизматлари таҳлил этилади. Иккинчи қисм эса, унинг Самарқанд вилояти ҳокими фаолияти билан боғлиқдир.

Шунингдек, Нодир мирзо девонбегининг ташаббуси ва маблағлари ҳисобидан Бухоро ва Самарқандда қурилган қатор мадраса, масжид ва бошқа иморатлар ҳақида маълумотлар келтирилди.

Калит сўзлар: ўзбек давлатчилиги, аштархонийлар, Турон, Хуросон, Эрон, Нодир мирзо девонбеги, Имомқулихон, тоғай, катта девонбеги, Нодир девонбеги мадрасаси, хонақоҳ, масжид, ҳаммом, кўприклар, Амир Темур мақбараси

Аннотация: Когда речь идет о личностях, внесших определенный вклад в развитие государственности узбекского народа, основное внимание уделяется на деятельность верховных правителей, принцев, визирей, военачальников – известных и знаменитых личностей в истории. В частности, в истории встречаются личности, выделяющиеся своими заслугами, которые являются невыполными для многим влиятельным людям, и часто их деятельность оставалась вне поле зрения историков. Одним из них является Надир Мирза Деванбеги – яркая личность эпохи аштарханидов.

В данной статье впервые приводятся отраженные в источниках все сведения о его семье, в частности родителях, женах и детях, в том числе о его образовании.

Политическая деятельность Надира Мирза Девонбеги прослежена в статье разделяя ее на две части. В первой части её анализируется роль Надира Мирза Деванбеги во внутренней и внешней политике Имам Кули-хана, особенно его усилия в обеспечении безопасности северных и южных границ Турана. Во второй части статьи расмотрена деятельность Надира Мирза Девонбеги в качестве хакима (правителя) Самаркандского вилоята.

Также приводятся сведения о ряде медресе, мечетей и других заведений, построенных в Бухаре и Самарканде по инициативе и на средства Надира Мирза Девонбеги.

Ключевые слова: государственность узбекского народа, аштарханиды, Туран, Хорасан, Иран, Надир Мирза Деванбеги, Имам Кули-хан, тагаи, катта деванбеги, медресе Надира Деванбеги, дом, мечеть, баня, мосты, мавзолей Амира Темура.

Annotation: When it comes to major figures in the history of Uzbek statehood, it is mostly emphasized on supreme rulers, princes, ministers, military commanders - well-known and famous figures. However, there are many figures who have done services that few can do, who deserve recognition and respect, but their activities have not been «disclosed» by historians. One of them is Nadir Mirza Dewanbegi, who was one of the bright personalities of Ashtarkhanid period.

The information available in sources about his parents, family, children and education is given in detail for the first time in the article.

The political activity of Nadir Mirza Dewanbegi is divided into two parts. The role of Imam Quli Khan in the domestic and foreign policy, especially his services in maintaining security of northern and southern borders of Turan is analyzed in the first part. The second part is related to his activities as the governor of Samarkand region.

Information was also given about a number of madrasahs, mosques and other buildings built in Bukhara and Samarkand on the initiative and means of Nadir Mirza Dewanbegi.

Key words: Uzbek statehood, Ashtarkhanids, Turan, Khorasan, Iran, Nadir Mirza Dewanbegi, Imam Quli Khan, tagay, katta Dewanbegi, Nadir Dewanbegi madrasa, house, mosque, bathhouse, bridges, Amir Temur's mausoleum.

Нодир мирзо девонбеги 1568 йили ўзига тўқ, йирик ер эгаси Султон Мирзо оиласида туғилган бўлиб, Самарқанд вилояти Орлот қишлоғидан оқиб ўтувчи Санглоқ суви унинг боболарига тегишли эди. Онасининг исмини билмаймиз, бироқ у Имомқулихоннинг қариндоши бўлгани аниқ

Тарихда шахсларнинг тенгсиз ўрни, катта-кичик масала, тармоқлардан тортиб, бутун бир давлат ва юрт, минтақа ва халқлар, ҳатто кишилик тақдири ва тараққиётига таъсирини ҳеч ким инкор этмаган ва этолмайди ҳам. Шу билан бирга, бу ҳақида сўз кетганида, асосан ўта йирик, кўпчиликка таниш ва атоқли сиймоларга урғу беришга одатланганмиз. Ваҳоланки, унча-мунча кишининг қўлидан келмайдиган хизматларни қилган, эътироф, ҳурмат ва ҳар бир авлод эсда тутиши, ибрат олишига лойиқ, бироқ тарихчи олимлар томонидан «юзага чиқарилмаган» аждодларимиз кўплаб топилади. Улардан бири ўзбек давлатчилиги тарихида ўзига хос из қолдирган арбоб Нодир мирзо девонбегидир.

Унинг шахсини жуда камчилик, ўшанда ҳам Бухоро ва Самарқандда Нодир девонбеги оти билан боғлиқ мадрасалар ва хонақоҳни қурдирган одам сифатида билади. Ҳолбуки, арбобнинг обрўси, умуман, миллатимиз ва давлатимиз тарихида тутган ўрни аслида анча кўламли ва залворлидир.

Нодир мирзо девонбеги 1568 йили ўзига тўқ, йирик ер эгаси Султон Мирзо оиласида туғилган бўлиб, Самарқанд вилояти Орлот қишлоғидан[1] оқиб ўтувчи Санглоқ суви унинг боболарига тегишли эди[2]. Онасининг исмини билмаймиз, бироқ у Имомқулихоннинг[3] қариндоши бўлгани аниқ[4]. Нодир мирзо девонбегининг Имомқулихон тоғаси саналиши ҳамда унинг чақирилишидаги «тоғай» аниқлигининг сабаби ҳам шундандир[5].

Унинг хотини ҳақида ҳозирча маълумотларга дуч келмаган бўлсак-да, Оғажон ва Ойим отли икки қизи, бир ўғли бўлгани маълум. Хусусан, Мутрибий Самарқандий Нодир мирзо девонбеги Самарқанд вилояти ҳокимлиги чоғи, 1624 йили ўғил кўрганини ёзади[6].

Бўлажак сиёсий ва ҳарбий арбоб дунёга келган палла – 16-юзйилликнинг иккинчи ярми ўзбек давлатчилиги тарихида юз йил ҳукмронлик қилган шайбонийлар сулоласининг[7] энг кўзга кўринган вакили Абдуллахон[8] бошқарув йилларига тўғри келади.

Гап шундаки, Амир Темурга нисбатан ихлоси юксак Абдуллахон Самарқанд, Тошкент, Саврон, Ясси, Ўтрор, Сайрам, Фарғона, Бадахшон, Кўлоб, Хоразм, Хуросон, Кошғар-

Бўлажак сиёсий ва ҳарбий арбоб дунёга келган палла – 16-юзйилликнинг иккинчи ярми ўзбек давлатчилиги тарихида юз йил ҳукмронлик қилган шайбонийлар сулоласининг энг кўзга кўринган вакили Абдуллахон бошқарув йилларига тўғри келади

1 Орлот қишлоғи — Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги мавзе.

2 1621 йилнинг август ойида Санглоқ сувининг Имомқулихон томонидан Нодир Мирзо девонбегига мулк қилиб берилган ҳақидаги ҳужжат бугунги кунда Самарқанд вилояти Иштихон тумани «Эшон Темирхон тўра» жоме масжиди имом-ноиби Нодирхон Абсаматов қўлида сақланмоқда.

3 Имомқулихон — 1611 – 1642 йиллари ўзбек давлатини бошқарган аштархоний ҳукмдор.

4 مطربی سمرقندی. نسخهٔ زیبای جهانگیر. قم. ۱۳۷۷. ص. ۳۰۹; Абу Тоҳирхожа Самарқандий. Самария. Тошкент. 2009. 131-бет.

5 .حافظ تنش بخاری. امامقلی خان نامه.ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди (ШҚФ). Қўлёзма саноғи 89. 143а-бет; İsgəndər Bəy Münşi Türkman. Dünyani bəzəyən Abbasin tarixi (Tarixe-aləmaraye-Abbasi). Bakı. 2010. S. 1651 – 1652; Мухаммад Юсуф мунши. Муким-ханская история. Ташкент. 1952. С. 89.

6 نسخهٔ زیبای جهانگیر. ص. ۲۲۲

7 Шайбонийлар — ўзбек давлатини 1501 – 1601 йиллари бошқарган сулола.

8 Абдуллахон — 1557 – 1598 йиллари ўзбек давлатини бошқарган шайбоний ҳукмдор.

дан иборат улкан ҳудудни давлатимизнинг ўша пайтлардаги пойтахти Бухоро атрофида бирлаштира олган, тинчликни таъминлаган, иқтисодиёт ривожланиши учун шароит яратган ва кўплаб қурилиш ва ободончиликларни амалга оширган буюк шахс саналади. Агар у Соҳибқирон, Шоҳрух[9], Султон Абу Саъиддан[10] кейин Турон ва Хуросон бошқарувини маҳкам қўлга олган сўнгги ўзбек ҳукмдори бўлгани инобатга олинса, Абдуллахон даврининг ўзбек давлатчилиги ўтмишидаги ўрни янада ойдинлашади, албатта.

Абдуллахоннинг 1598 йили юз берган ўлимидан кўп ўтмай шайбонийлар сулоласининг ҳам ҳукмронлиги якун топади. Ўзбек давлатчилиги бошқарувига аштархонийлар келади. Нодир мирзо девонбегининг келгуси бир умрлик кечмишлари ҳам айнан шу сулола билан боғлиқ

Демак, Нодир мирзо девонбегининг болалик ва ёшлик кезлари мана шундай, муҳим тарихий воқеаларга бой босқичга тўғри келган. Мазкур омил унинг дунёқараши, феъл-атворига таъсир ўтказиши турган гап эди. Қолаверса, ўша давр маданий муҳит талабларига мос равишда аввал мактаб, сўнг мадрасада тегишли билимларни пишиқ эгаллаган. Ҳарбий санъат сирларини ўрганган, жисмонан чиниққан бўлиб, буни ҳаётининг кейинги йилларида содир бўлган воқеалар ёрқин кўрсатади.

Абдуллахоннинг 1598 йили юз берган ўлимидан кўп ўтмай шайбонийлар сулоласининг ҳам ҳукмронлиги якун топади. Ўзбек давлатчилиги бошқарувига аштархонийлар[11] келади. Нодир мирзо девонбегининг келгуси бир умрлик кечмишлари ҳам айнан шу сулола билан боғлиқ.

Ўзининг ақли, ботирлиги ва садоқати туфайли янги сиёсий хонадоннинг ишончини қозона бошлаган амирнинг юксалиши Боқи Муҳаммадхон[12] замонида, Самарқанд вилоятига ҳоким этиб тайинланган Имомқули султоннинг[13] оталиғлигига лойиқ кўрилганида содир бўлган[14]. Шаҳзода ҳокимлиги йиллари вилоятда барқарорлик қарор топиб, халқ аҳволи ҳар қачонгидан-да яхшиланиши, қатор бунёдкорлик ишлари рўй беришида Нодир мирзо девонбегининг ҳам ўрни бўлганини чамалаш қийин эмас, деб ўйлаймиз. Акс ҳолда, 1611 йили тахтга ўтирган Имомқулихон кўп ҳам ўтмай – 1612 йили уни пойтахтга чорлаб, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини юритишда ҳукмдорга энг яқин арбоб саналмиш катта девонбеги мансабига тайинламаган бўларди.

Нодир мирзо катта девонбеги мансаби эгаси сифатида Имомқулихон ёнида ички сиёсатда асосий ёрдамчи сифатида туради ва мансаб вазифаларини тўлиқ, адолатли адо этади. Жумладан, манбаларда Имомқулихон даврида юрт иқтисодий жиҳатдан тўкис бўлгани ҳақида қайдлар учрагани ҳолда, халқнинг марказий ҳокимиятдан норози бўлганлари ҳақида гувоҳликлар кўринмайди. Имомқулихон халқ холидан хабардор бўлиш учун оддий кийимда халқ орасида юришни одат қилганини келтирган Муҳаммадюсуф мунший[15] Нодир мирзо девонбеги доим унга ҳамроҳлик қилганини ҳам қистириб ўтади[16].

Нодир мирзо девонбеги, кези келганда, олий ҳукмдорга ўз сўзини ўтказишни яхши эгаллаган арбоболардан саналади[17]. Масалан, Тошкентга ҳоким қилиб тайинлаган ўғли Искандар султон ўдирилганлигини эшитган Имомқулихон 1612 йили дарҳол Тошкентга юришга отланишга қарор қилганида, айнан у Хожа Ҳошим[18] билан биргаликда уни Балх қўшини етиб келгунча кутуб туриш ва сўнг юришга отланишга кўндиради[19]. Мазкур юришдан қайтишда, даштда уюштирилган оҳу ови кўнгилдагидай чиқмаганидан ғазабланган хон айбдор ўлароқ маҳаллий кўчманчи аҳолининг мол-мулки, чорваларини мусодара қилишни буюрганида ҳам, Нодир мирзо девонбеги Шукурбий оталиқ[20] ва Тожиддин Ҳа-

Нодир мирзо катта девонбеги мансаби эгаси сифатида Имомқулихон ёнида ички сиёсатда асосий ёрдамчи сифатида туради ва мансаб вазифаларини тўлиқ, адолатли адо этади

9 Шоҳрух (1377 – 1447) — Амир Темур ўғли, 1409 – 1447 йиллари ўзбек давлатини бошқарган темурий ҳукмдор.

10 Султон Абу Саъид (1424 – 1469) —Амир Темур эвараси, 1451 – 1469 йиллари ўзбек давлатини бошқарган темурий ҳукмдор.

11 Аштархонийлар — ўзбек давлатини 1601 – 1756 йиллари бошқарган сулола.

12 Боқи Муҳаммадхон — 1601 – 1605 йиллари ўзбек давлатини бошқарган аштархоний ҳукмдор.

13 Имомқули султон (1598 – 1644) — Динмуҳаммадхон ўғли, 1611 – 1642 йиллари ўзбек давлатини бошқарган аштархоний ҳукмдор.

14 امیر محمد سلیم. سلسلة السلاطین. .Англия. Бодлеан. Қўлёзма саноғи 169. 183б-бет.

15 Муҳаммадюсуф мунший — Балх ҳокими Муқум султон (1707 йили ўлдирилган) саройи муншийси, унга бағишланган «Тарихи Муқумхоний» муаллифи.

16 Муким-ханская история. С. 86.

17 Қаранг: . 143امامقلی خان نامهа-бет.

18 Хожа Ҳошим —Жўйборий хўжалардан бири.

19 محمود ابن امیر ولی. بحر الاسرار. .Англя. Бодлеан. Қўлёзма саноғи 515. 119а – 121б-бетлар.

20 Шукурбий оталиқ — Имомқулихон даврида Бухорода оталиқ мансабида фаолият юритган арбоб.

21 Тожиддин Ҳасанхожа (1574 – 1646) — Хожа Саъднинг тўнғич ўғли, жўйборий хожалардан бири.

санхожа[21] билан биргаликда Имомқулихонни фикридан қайтаришга эришади[22]. Абулай султоннинг[23] ўлимида айбланиб[24], Имомқулихон томонидан қатлга ҳукм этилган Назарбий найманни[25] ўлимдан қутқариб қолган ҳам девонбеги бўлган[26].

Нодир мирзо девонбеги Имомқулихонга ўз маслаҳатлари билан ташқи сиёсатни оқилона юритишида ҳам ёрдам беради. Хусусан, буни Бадахшон масаласи сабаб Имомқулихон ва Жаҳонгиршоҳ[27] муносабатлари бузилиши билан боғлиқ жараёндаги элчиликда кўришимиз мумкин. Яъни, бобурий ҳукмдор юборган Ҳаким Ҳозиқ бошлиқ элчиликнинг хон томонидан олти ой қабул қилинмаслиги оқибатида сиёсий можоро ҳарбий ечим билан ҳал қилинадиган даражага етиши, савдо муносабатларига жиддий салбий таъсир кўрсатиши ўта аёнлашиб қолган шароитда айнан Нодир мирзо девонбеги Имомқулихонни уларни қабул қилишга кўндиролгани маълум. Натижада, алоқалар яна илиқлашади[28]. Кези келганда эса, Нодир мирзо девонбеги қурол кучига таянишдан кўра, сиёсий маҳоратни ишга солишни афзал кўрганини ҳам диққатдан қочирмаслик керак. Бунинг исботини Имомқулихон ва Жаҳонгир султон[29] ўртасида муносабатларни яхшилаш йўлидаги уринишларида ҳам кўришимиз мумкин. Чунончи, қозоқ султони Жалойирбий Сақол орқали юборган хатига жавобан ўзбек ҳукмдори номидан мактуб тайёрлатади ва унда Имомқулихон Сайрам вилояти бошқарувини Жаҳонгир султонга бергани ҳақида иноятнома битиб юборилаётгани, бинобарин, у Имомқулихон ҳукмронлигини тан олиши, доимо ўзаро яхши муносабатларни сақлашга интилиши, исён қилмаслиги кераклигини таъкидлайди[30].



Нодир мирзо девонбегининг салмоқли ўрни Россия билан муносабатларда ҳам сезилади. Хусусан, Михаил Романов[31] томонидан юборилган Иван Хохлов элчилигини кутиб олган, хон ва элчи орасида асосий воситачи бўлган ҳам Нодир мирзо девонбеги эди[32].

Нодир мирзо катта девонбегининг турмушда учраб турадиган турли адолатсизлик ва ўғриликларга ҳам қарши курашгани маълум. Жумладан, Нақиб Иброҳимхожа ва шайхулислом Исломхожа ўзаро тил бириктириб, асли Хоразм саййидларидан, Чоржўйда хонақоҳ ва номозхонаси бўлган Мўминхожани[33] равшаний мазҳабида[34] айблаб, қатл эттиришга киришганларида, асл воқеадан хабар топган Нодир мирзо девонбеги Тожиддин Ҳасанхожа ва муфтий Мирзо Шариф[35] ёрдамида мазкур туҳматни фош этиб,

Нодир мирзо девонбеги Имомқулихонга ўз маслаҳатлари билан ташқи сиёсатни оқилона юритишида ҳам ёрдам беради. Хусусан, буни Бадахшон масаласи сабаб Имомқулихон ва Жаҳонгиршоҳ муносабатлари бузилиши билан боғлиқ жараёндаги элчиликда кўришимиз мумкин

Нодир мирзо девонбегининг салмоқли ўрни Россия билан муносабатларда ҳам сезилади. Хусусан, Михаил Романов томонидан юборилган Иван Хохлов элчилигини кутиб олган, хон ва элчи орасида асосий воситачи бўлган ҳам Нодир мирзо девонбеги эди

22 Муҳаммад Толиб. Матлаб ут-толибин. Тошкент. 2016. 201 – 202-бетлар.

23 Боқи Муҳаммадхон — 1601 – 1605 йиллари ўзбек давлатини бошқарган аштархоний ҳукмдор.

24 Имомқулихон қозоқ Абулай султонни Ахси ва Андижонга ҳоким қилиб тайинлайди. Қизига уйланади. Ушбу никоҳдан туғилган ўғил олти ёшга тўлганида чечак касалига чалиниб ўлади. Маракага келган Абулай султон бир гуруҳ амирлар томонидан ўлдирилади. Имомқулихон бу ишларда Назарбий найманни айблайди ва ўлимга ҳукм этади (қаранг: Матлаб ут-толибин. 202 – 203-бетлар).

25 Назарбий найман — Имомқулихон даври йирик амирларидан бири.

26 Матлаб ут-толибин. 202 – 203-бетлар.

27 Жаҳонгиршоҳ (1569 – 1627) — 1605 – 1627 йилларда Ҳиндистонни бошқарган бобурий ҳукмдор.

28 Муким-ханская история. С. 88 – 90.

29 Жаҳонгир султон — 1628 – 1652 йилларда Қозоқ хони.

30 مجموعۀ مکتوبات و منشور..ШҚФ. Қўлёзма саноғи 880/1. 184а – 184б-бетлар.

31 Михаил Романов — романовлар сулоласининг 1613 – 1645 йиллари Россияни бошқарган вакили.

32 Selim Serkan Ükten. 16 – 18 Asırlarda Buhara Hanlığı'na Gelen Batılı Seyyahlar ve Seyahatnameleri // Eskişehir Osmangazi Üniversitesi Sosyal Bilimler Dergisi Aralık. 2017. S. 143 – 155.

33 Мўминхожа — нақшбандия тариқати вакилларидан бири.

34 Равшаний мазҳаби — суннийликда тақиқланган оқим.

35 Мирзо Шариф — Имомқулихон даври муфтийси.

уни ўлимдан асраб қолади[36]. Бошқа бир гал, Тожиддин Ҳасанхожа ўз хизматкорларидан бири бир туяни қоп ва арқон билан ўғрилаб кетгани ва уни топиб беришни Нодир мирзо девонбегига арз қилади. Унинг буйруғи билан хизматчилари ўғрини бир ой излаб, Самарқанднинг Сарипулидан топиб, ўғирланган молларни эгасига қайтартиради[37].

Нодир мирзо девонбегини саройда ўралашиб қолган арбоб деб бўлмайди. У ҳарбий ҳаракатларда ҳам ғайрат кўрсатганини биламиз. Турсун Муҳаммад султон[38] исёнига қарши юборилган қўшинга етакчилик қилган ҳам, уни бостирган ҳам Нодир мирзо девонбеги бўлади[39]. Умуман айтганда эса, у давлатимиз шимол чегараларига таҳдид солиб турган қозоқларга қарши курашда кўп ғайрат кўрсатган қўшинбоши саналади[40].

Нодир мирзо девонбегини саройда ўралашиб қолган арбоб деб бўлмайди. У ҳарбий ҳаракатларда ҳам ғайрат кўрсатганини биламиз. Турсун Муҳаммад султон исёнига қарши юборилган қўшинга етакчилик қилган ҳам, уни бостирган ҳам Нодир мирзо девонбеги бўлади

У жануб ерларимиз, хусусан, Хуросон учун сафавийларга[41] қарши курашларда ҳам жонбозлик ва ботирлик кўрсатган[42]. Жумладан, 1617 йилнинг декабрь ойида ўттиз минг кишилик қўшинга бошчилик қилиб, Обивард-даги Даржаз[43] йўлидан Нишопургача бўлган манзилларни бирин-кетин эгаллайди. Баёт, Чашмгазак ва бошқа қатор қабилалар бўйсундирилади[44]. Шундан сўнг Машҳадга ҳарбий юриш учун тайёрлана бошласа-да, Эрон шоҳи Аббос[45] хизматида бўлган Марв ҳокими Меҳробхон[46] кучли қаршиликни давом эттираётгани сабаб унга қарши отланади. Акс ҳолда, ўзбек қўшини учун келаётган озиқа, ёрдам қучларининг йўлини тўсиб қўйиши ва оқибатда, Нодир мирзо девонбеги қуршовда қолиб кетиши мумкин эди. Қолаверса, олдинроқ Ҳисори Шодмон вилоятидан Нодир мирзо девонбегига қўшилиш учун келаётган бир ярим минг кишилик қўшин йўлда тўсатдан Марв ҳокими Меҳрабхон пистирмасига дуч келиб, мағлубиятга учраган эди[47].

Нодир мирзо девонбегининг Хуросонни Бухоро измида сақлаб қолишга қаратилган ҳарбий ҳаракатларга кейинги йилларда ҳам бошчилик қилгани маълум. Хусусан, 1632 йили Имомқулихон Марв ва Морўчоққа юборган қўшинларнинг биринчисига Абдулазиз султон[48], иккинчисига Нодир мирзо девонбегини сардор этиб белгилайди. У ўн беш минг кишилик қўшин билан Марвга етиб борганида, вилоят ҳокими вафот этган ва ўрнига тайинланган ўғли Муртазоқули қожар[49] ҳали қалъага киришга улгурмаганидан фойдаланиб, уни йўлда мағлуб этиб, асир олади, қалъа қамалини давом эттиради. Бу орада Абдулазиз султон Ялангтўш баҳодир[50] билан биргаликда Морўчоқ қалъасини эгаллайдилар.

Нодир мирзо девонбегининг Хуросонни Бухоро измида сақлаб қолишга қаратилган ҳарбий ҳаракатларга кейинги йилларда ҳам бошчилик қилгани маълум. Хусусан, 1632 йили Имомқулихон Марв ва Морўчоққа юборган қўшинларнинг биринчисига Абдулазиз султон, иккинчисига Нодир мирзо девонбегини сардор этиб белгилайди

Худди шу вақтда усмонлилар[51] йирик ҳужум бошлаганлари, Гуржистонда қўзғолон кўтарилгани шаротида оғир вазиятда қолган Сафининг[52] аштархонийлар билан яхши муносабатлар ўрнатишдан ўзга иложи қолмаган. Бунга Имомқулихон ҳам рози бўлгач, Нодир мирзо девонбеги олий буйруққа кўра Марв қамалини тўхтатиб, асир ва қўлга киритилган ўлжалар билан Бухорога қайтади[53].

36 Матлаб ут-толибин. 199-бет.

37 Ўша асар. 266 – 267-бетлар.

38 Турсун Муҳаммад султон — Имомқулихон даврида дастлаб Андижон, кейин Тошкент вилояти ҳокими.

39 . 138.امامقلی خان نامهa – 141a, 143a – 148a-бетлар; 106.بحر الاسرارa – 108a-бетлар.

40 Матлаб ут-толибин. 258-бет.

41 Сафавийлар — 1502 – 1736 йиллари Эронда ҳукмронлик қилган сулола.

42 . 135.امامقلی خان نامهб – 138a-бетлар; Dünyani bəzəyən Abbasin tarixi (Tarixe-aləmaraye-Abbasi). S. 1651 – 1652.

43 Даржаз — ҳозирги Туркманистон ҳудудидаги Обивадр яқинидаги кичик қалъа.

44 Dünyani bəzəyən Abbasin tarixi (Tarixe-aləmaraye-Abbasi). S. 1651.

45 Шоҳ Аббос — 1587 – 1629 йиллари Эронда ҳукмронлик қилган сафавий ҳукмдор.

46 Матлаб ут-толибин. 199-бет.

47 Dünyani bəzəyən Abbasin tarixi (Tarixe-aləmaraye-Abbasi). S. 1652.

48 Турсун Муҳаммад султон — Имомқулихон даврида дастлаб Андижон, кейин Тошкент вилояти ҳокими.

48 Абдулазиз султон (1613 – 1683) — Надр Муҳаммадхон ўғли, 1642 – 1681 йиллари ўзбек давлатини бошқарган аштархоний ҳукмдор.

49 Муртадоқули қожар — 1632 йили Марв ҳокими.

50 Ялангтўш баҳодир (1578 – 1656) — ўзбек давлатчилиги тарихидаги буюк давлат арбобларидан бири. Самарқанд вилояти ҳокими, Шердор ва Тиллакори мадрасалари бунёдкори.

51 Усмонлилар — 1299 – 1922 йиллари ҳукмронлик қилган сулола.

52 Шоҳ Сафи — 1629 – 1642 йиллари Эронни бошқарган сафавий.

53 207..بحر الاسرارб – 209a-бетлар.

Нодир мирзо девонбеги 17-юзйилликнинг 20-йилларида Самарқанд вилоятини ҳам бошқаради[54]. Атрофига Муртибий Самарқандий[55], Қози Маҳжурий[56] сингари ақл-идрокли, ташаббускор шахсларни тўплайди. Улар вилоят бошқарув ишларида Нодир мирзо девонбегига яқиндан кўмаклашадилар[57]. Мутрубий Самарқандийнинг ёзишича, Нодир мирзо девонбегининг муҳри ичига «Низомиддин нодир мирзо тоғай сўзум», деб ёзилган бўлган[58].

У ҳокимлик даврида қабул қилган айрим қарорларга оид гувоҳликлар манбаларда сақланиб қолган. Масалан, Самарқандда Ҳожибий оталиқ дўрмон[59] ҳокимлик қилган даврда Амир Темур мақбарасига зиёратга келган аҳоли даҳма устига чиққани сабаб у ерга киришни тақиқлаб қўйган эди. Нодир мирзо девонбеги уни бекор қилади. Зиёратга келганлар ҳафтанинг фақат сешанба куни мақбара ичига киришларига рухсат беради. Олдинги ҳолатлар қайтарилмаслиги учун махсус назоратчи қўйдириб, даҳма устига чиққанларни қаттиқ жазолашни буюради[60].

Нодир мирзо девонбеги ҳам ўз даврининг бадавлат кишиларидан бир эди. Унинг Бухоро, Самарқанд вилоятларида кўпдан-кўп экин майдонлари, чорва ва яйловлари бўлган[61].

Илму фан, адабиёт ва санъат аҳлини ўта қадрлаган Нодир мирзо девонбеги умри давомида кўпайтириб борган бойликларининг анчасини мактаб, мадраса, масжид, хонақоҳ, ҳаммом, кўприклар қуриш, ўқувчи, талаба, ўқитувчи, мударрисларнинг моддий таъминотига сарфлаган.

Нодир мирзо девонбегининг номини абадийлаштирган омил унинг сиёсий-ҳарбий фаолияти, бойлиги эмас, балки бутун дунёга машҳур Лаби ҳовуз мажмуаси ва Самарқанддаги бунёдкорлик ишлари билан боғлиқдир. 1619 – 1620 йиллари у Бухоро шаҳари марказида кенглиги 36, узунлиги 42, чуқурлиги 5 метр бўлган ҳовуз қаздирган ва атрофини синчлар билан мустаҳкамлатган[62].

Ҳовуздан шарқда 1622 – 1623 йиллари Нодир мирзо девонбегининг шахсий ташаббуси билан мадраса қад кўтарган[63]. Ташқи ўлчови 52 метрга 49 метр, ички ҳовлисининг катталиги 34 метрга 30 метрга тенг. Пештоқ қанослари афсонавий иккита Ҳумо қуши бодомқовоқ, қийиқ кўзли қуёшга интилмоқда, ҳар иккисининг қанотлари остида оқ буғулар ўтлаб юрмоқда. Ҳошияларига йирик ҳандасавий сулс, куфий ёзувлари асосида Қуръон оятлари битилган. Устунгўшаси – бурамасимон. Пештоғининг икки ён қанотидаги икки қаватли, учтадан чуқур равоқли олдайвонлар ҳам пештоққа ўхшаш қилиб, ҳумо қуши, буғу, нашқлар тасвири билан безатилган. Пештоқ орқали кириладиган ҳовлига пишиқ ғишт ётқизилган. Тўрт томондан икки қаватли 71 та кичик ҳужра билан ўралган. Ҳужралар ёғоч ўймакорлигидаги мураккаб нақш ва ёзувлар билан пардозланган эшиклар ва туйнугига панжаралар ўрнатилган ҳолда зийнатланган. Ўз давридаёқ йирик илм марказига айланган мадрасада кўплаб таниқли олимлар етишиб чиққанларини биламиз. Жумладан, Муҳаммад Амин Бухорий[64] замонасининг таниқли шоири мулла Сайид[65] ҳақида эслар экан, унинг Нодир девонбеги тоғай мадрасасида таъҳсил олганини таъкидлайди[66].

Ҳовузнинг ғарбида жойлашган хонақоҳ ҳам Нодир мирзо девонбеги томонидан 1620 йили ҳовуз билан бир чоғда қурдирилган[67]. Иморатнинг тарҳи 27,5 метрга 25 метр, айвон ва хонақоҳининг катталиги 11,2 метрга 12,2 метрдир. Пештоқ қанослари зарҳал нашқлар

У ҳокимлик даврида қабул қилган айрим қарорларга оид гувоҳликлар манбаларда сақланиб қолган. Масалан, Самарқандда Ҳожибий оталиқ дўрмон ҳокимлик қилган даврда Амир Темур мақбарасига зиёратга келган аҳоли даҳма устига чиққани сабаб у ерга киришни тақиқлаб қўйган эди

Илму фан, адабиёт ва санъат аҳлини ўта қадрлаган Нодир мирзо девонбеги умри давомида кўпайтириб борган бойликларининг анчасини мактаб, мадраса, масжид, хонақоҳ, ҳаммом, кўприклар қуриш, ўқувчи, талаба, ўқитувчи, мударрисларнинг моддий таъминотига сарфлаган

54 Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро.Тошкент. 2013. 6-бет; نسخهٔ زیبای جهانگیر. ص. ۲۲۲

55 Муртибий Самарқандий (1558 – 17-юзйилликнинг 30-йиллари) — «Тазкират аш-шуаро», «Нусхаи зебои Жаҳонгир» ва «Хотироти Мутрибий» асарлари муаллифи.

56 Қози Маҳжурий — Нодир мирзо девонбегининг 17-юзйилликнинг 20-йилларидаги ҳокимлик даврида Самарқанд вилояти қозиси.

57 Тазкират уш-шуаро. 6-бет.

58 Ўша асар. 309-бет.

59 Ҳожибий оталиқ дўрмон — 1586 йил кузидан 1598 йил баҳоригача Самарқанд вилояти ҳокими.

60 نسخهٔ زیبای جهانگیر. ص. ۲۱.

61 Нодир Мирзо девонбегининг ер-мулкларига доир ҳужжатлар ҳозирда Самарқанд вилояти Иштихон тумани «Эшон Темирхон тўра» жоме масжиди имом-ноиби Нодирхон Абсаматов қўлида сақланмоқда.

62 Самария. 188-бет.

63 Ўша асар. 187-бет.

64 Муҳаммад Замон Бухорий — Убайдуллахоннинг (1702 – 1711) ишончли мулозимларидан бири, «Убайдулланома» асари муаллифи.

65 Мулла Сайид — бухоролик таниқли шоир.

66 میر محمد امین بخاری. عبید الله نامه. .ШҚФ. Қўлёзма саноғи 1532. 271а – 272а-бетлар.

67 Самария. 187-бет.

уйғунлигида жозибали безатилган. Ҳошияларига йирик ҳандасавий сулс, куфий ёзувлари асосида Қуръон оятлари битилган. Марказий гумбазли катта ўтоғнинг уч томонида эшик, ғарб томонида меҳроб бор. Бурчакларида икки қаватли 14 та ҳужра жойлашган. Айлана зина билан бино тепасига чиқилади. Деворларига тахмонлар ишланган.

Ҳовуздан шимоли-шарқда 1569 йили қурилиши бошланган Кўкалдош мадрасасини ҳам Нодир мирзо девонбеги ниҳоясига етказган. Шу тариқа, 34 метрга 30 метрли ички ҳовлига эга, 160 ҳужрали йирик мадраса ўз бўй-бастини тўлиқ кўрсатади.

Нодир мирзо девонбегининг Самарқанддаги яратувчилик ишларига келсак, 1630 йили хожа Убайдулла Аҳрор[68] масжидининг шимолидаги мадрасани айнан у қурдирган. Икки йил давомида кўтарилган[69] иморатнинг ташқи ўлчови 52 метрга 49 метр, ички ҳовлисининг катталиги 34 метрга 30 метр бўлиб, меъмори ва безаш ишларига хожа Ҳошим ва Дўстмуҳаммад бошчилик қилганлар.

Мадраса уч таркибий қисм – дарсхона, ётоқхона, хизматчилар уйидан иборат. Пештоқ қанотларида Регистон майдонида Ялангтўш баҳодир қурдирган Шердор мадрасасида тасвирланган сингари шер тасвиридан фойдаланилган: икки шер оқ рангли икки оҳуни қувмоқда. Айнан шу сабабли, мадраса халқ орасида «Ташқи Шердор» номи билан машҳур бўлган[70]. Пештоқнинг устки қисмига йирик ҳандасавий сулс, куфий ёзувлари асосида Қуръон оятлари битилгани ҳолда, ҳошиялари айвон безакларига ўзаро уйғунлаштириб феруза, яшил ва сариқ рангларда майда ва жимжимадор нақшлар билан нафис безатилган.

Пештоқ орқали кириладиган ҳовлига пишиқ ғишт ётқизилган. Мадраса ҳовлисида катта масжид, бир қаватли тўрт дарсхона, икки катта ўтоғ ва 20 та ҳужра бор. Ҳужралар ёғоч ўймакорлигида пардозланган эшиклар, туйнугига панжаралар ўрнатилган ҳолда зийнатланган. Ўз давридаёқ талабалар учун илм олиш масканига айланган мадраса теграсида хонақоҳ ва минбар ҳам қурилган бўлиб, хожа Убайдулла Аҳрор зиёратига келганлар ўша ерда намоз ўқиганлар[72].

Нодир мирзо девонбегининг Самарқанддаги бунёдкорлик ишлари шу билан чекланиб қолмаган. Маҳдуми Аъзам[73] мозорини ўрагувчи девор ва дарвозасига равоқли бинони ҳам у қурдирган[74]. Қолаверса, ташриф буюрувчи зиёратчилар дам олишлари учун мозор олдида Даҳбед ҳиёбонини бунёд этириб, ўртасидан ўтган йўлнинг икки четига эман дарахтлари ўтқазилган[75]. Шунингдек, у ерда тутзор ҳам барпо эттирган[76].

Унинг яна бир бунёдкорлик иши Самарқандда ҳазрат Хожа Абди Берун[77] мозори устида кенг бир хонақоҳ ва бир неча ҳужра қурдиргани бўлган[78]. Бундан ташқари, Нодир мирзо девонбеги буйруғи билан Амир Темур мақбарасида ҳам таъмирлаш ишлари амалга оширилгани маълум[79].

1642 йили Имомқулихон укаси Надр Муҳаммадхон[80] фойдасига тахтдан воз кечиб, Макка зиёратига йўл олади. Нодир мирзо девонбеги ҳам катта девонбеги мансабидаги фаолиятини тугатиб, унга ҳамроҳ бўлади[81]. Ҳаж йўли ва амали чоғида ўзи билан ҳамроҳ бўлган туронликларга барча ёрдамни қилади. Чунончи, улар орасида бўлган ҳожи Амин ўзи ва отаси ундан кўп марҳаматлар кўрганларини эслайди[82].

Ҳаж амалини адо этган Нодир мирзо девонбеги Имомқулихон билан бир санада – 1644 йили 76 ёшида бу ёруғ оламни тарк этади. ■

Нодир мирзо девонбегининг Самарқанддаги бунёдкорлик ишлари шу билан чекланиб қолмаган. Маҳдуми Аъзам мозорини ўрагувчи девор ва дарвозасига равоқли бинони ҳам у қурдирган. Қолаверса, ташриф буюрувчи зиёратчилар дам олишлари учун мозор олдида Даҳбед ҳиёбонини бунёд этириб, ўртасидан ўтган йўлнинг икки четига эман дарахтлари ўтқазилган. Шунингдек, у ерда тутзор ҳам барпо эттирган

1642 йили Имомқулихон укаси Надр Муҳаммадхон фойдасига тахтдан воз кечиб, Макка зиёратига йўл олади. Нодир мирзо девонбеги ҳам катта девонбеги мансабидаги фаолиятини тугатиб, унга ҳамроҳ бўлади. Ҳаж йўли ва амали чоғида ўзи билан ҳамроҳ бўлган туронликларга барча ёрдамни қилади

68 Хожа Убайдулла Аҳрор (1404 – 1490) — нақшбандия тариқатининг таниқли раҳнамоларидан бири.
69 Самария. 131-бет.
70 Ўша ерда.
71 Ўша ерда.
72 Ўша ерда.
73 Маҳдуми Аъзам (1461 – 1542) — нақшбандия тариқатининг таниқли раҳнамоларидан бири.
74 Самария. 167-бет.
75 Шарафуддин Роқимий. Тарихи томм. Тошкент. 1998. 95 – 96-бетлар.
76 Самария. 167-бет.
77 Ҳазрат Хожа Абди Берун — 9-юзйилликда Самарқанд қозиси бўлган; Самарқанд қалъаси ташқарисидаги Оқмасжит қишлоғи қабристонига кўмилган.
78 Самария. 159-бет.
79 نسحهٔ زیبای جهانگیر. ص. ۲۱
80 Надр Муҳаммадхон— 1642 – 1681 йиллари ўзбек давлатини бошқарган аштархоний ҳукмдор.
81 Матлаб ут-толибин. 290-бет.
82 Ўша асар. 290 – 291-бетлар.